«ТАСДИКЛАЙМАН»
«Табобат жавохири ОАС» МЧЖ рахбари
________________ С.Турсунов

«8» ___09___ 2022 йил

TABOBAT JAVOHIRI OAS M.CH.J.

**Бажарувчи ташкилотини танлаб олиш учун**
**ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

Карши 2022-йил

**Танлов хужжатларининг мазмуни:**

1. **Танлов иштирокчилари учун йурикнома**
2. **Техник кисм**
3. **Нархлар кисми**

## Танлов иштирокчиси учун йурикнома

Ушбу йурикнома 2021 йил 22 апрелдаги УРК-684-сонли Узбекистон Республикаси «Давлат харидлари тугрисида»ги Конунга асосан хамда Узбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан утказилган Узбекистон Республикаси Президентининг хузуридаги Лойиха Бошкаруви Миллий агентлиги «Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва утказиш тугрисидаги» тартиби асосида ишлаб чикилди.

## 1. Танлов предмети ва тахминий киймати

1.1 Танлов предмети:
«Табобат жавохири ОАС» маъсулияти чекланган жамият зулук етиштириш технологиясини ишлаб чикиш учун 3 ва 5 литрлик, огиз кисмининг диаметри 100 мм.лик банка; 100 ва 150 литрлик аквариумлар; Диаметри 32 мм 25 мм, максимал суриш чукурлиги 8 м, куввати 1500 W, максимал босим 66 м.ли сув насослари; Led., куввати суткасига 250-300 литр, сув сизиши вактида автомат учириш, картридж алмаштириш вактида овоз сигнал хабар берадиган сув фильтрлари; Баландлиги 2 м, узунлиги 1.8 м, эни 45 см.ли шкафлар; Баландлиги 1 м, диаметри 3.5 метрли сув хавза (бассейн)лари; 230 V-50 Hz-16 W, сув сигими 22 литр, максимал температура 95 С, мак.босим 4 bar булган иситиш козонлари (котёл); Улчамлари 525х1295х555 mm.ли музлатгичлар; 16 атмосферага чидамли, 20х25х32 улчамдаги пластмасса кувурлар; Секция хажми 500х80 мм., ишлаш босими 24 bar, номинал иссиклик окими 200 w, алюминли радиаторлар; 16х2.0 200 m улчамли, PEX-AL-PEX иссик пол шлангасини етказиб бериш буйича ишлари учун умумий киймати 412 424 000 сум. Ушбу кийматдан ортик кийматлар кабул килинмайди ва куриб чикилмайди.

1.2 Бажариладиган ишлар буйича техник топширик танлов хужжатларининг техник кисмида илова килинади.

1.3 **Ушбу танлов якунлари буйича голиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4 Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 60 кун.

1.5 Ишларни бошлаш муддати-шартнома тузилган кундан бошлаб хисобланади.

## 2. Танлов ташкилотчилари

2.1 «Табобат жавохири ОАС» маъсулияти чекланган жамият (бундан кейин – «Буюртмачи» деб аталади) – танлов ташкилотчиси хисобланади.

«Буюртмачи» манзили Кашкадарё вилояти Карши тумани Мирмирон МФЙ Истиклол кучаси 44-уй

2.2 Танлов «Буюртмачи» томонидан танлов утказиш буйича тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда утказилади.

2.3 Танлов «Табобат жавохири ОАС» маъсулияти чекланган жамияти биносида «Буюртмачи» томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда белгиланган муддатларда утказилади.

## 3. Танлов иштирокчилари

3.1 Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматчилар курсатишга ихтисослашган камида 3 йил тажрибага эга булган барча юридик макомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
3.2 Танловда иштирок этиш учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади:
- танлов предмети кийматининг камида 20 фоиз микдоридаги айланма маблагларининг ёки курсатиб утилган маблагларни беришга газначилик кафолатномаси ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур булган мехнат ресурслари ва мутахассисларининг мавжудлиги:
- шартномалар тузиш юзасидан фукаролик-муомала хукукий лаёкати ва ваколатлари:
- танлов объектларига ухшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги
- уз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мулжалланаётган хажми (50 фоиздан кам булмаган холда):
- низом маблаг микдори:
3.3 Агар танлов предмети булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боглик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштирилиши зарур булган, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибда мувофик тегишли лицензияга эга булган талабларга рухсат этилади.
3.4 Куйидаги талабларга танлов жараёнида иштирок этишга рухсат берилмайди.
- кайта ташкил этилиш (ажратилиш, кушилиш), тугатилиш ёки банкротлик арафасида турганлар:
- мол-мулки мусодара килинганлар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир-бирига молявий карамлиги мавжудлар.

## 4. Танловда иштирок этиш учун таклифларни такдим этиш

4.1 Иштирокчилар уз таклифларини электрон куринишда (Etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар утказиш учун жойлаштирилиши лозим.
4.2 Танлов ва таклифлар унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар «Буюртмачи» ва «Иштирокчи» ихтиёрига кура узбек тилида такдим этилиши мумкин.
4.3 Куйидаги хужжатлар тулик булиши талаб этилади:
- техник хужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспортлар ва ухшаш хужжатлар руйхати илова килинади)
4.4 Танлов иштирокчиси:
- факат битта таклиф бериши мумкин
- такдим этилаётган хужжатларнинг хакикийлиги ва маълумотларнинг хакконийлигига тулик жавобгар булади
- таклифлар бериш муддати тугагунга кадар уз таклифларини кайтариб олиш ёки узгартириш киритиш хукукига эга.

## 5. Томонларнинг жавобгарлиги.

5.1 Давлат харидлари тугрисидаги Конун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар.
5.2 Харид комиссияси давлат харидлари буйича конунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниклаш ва асосланган карор кабул килиш буйича мажбурдир.
5.3 Танлов иштирокчиси такдим этилган барча хужжатларни хакикийлиги ва тугрилигига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сунг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 6. Бошка шартлар

6.1 Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига узгартириш киритиш тугрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида 3 кун олдин карор кабул килишга хакли. Товарни (ишни, хизматни) узгартиришга йул куйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига узгартириш киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда агар эълонда курсатилган ахборот узгартирилган булган танлов утказиш тугрисидаги эълонга узгартиришлар киритилади.

6.2 Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов утказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан буюртмачига суров юборишга хакли. Суров келиб тушган санадан эътиборан икки куни ичида давлат буюртмачисида суров юборишга хакли. Суров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачисига, агар мазкур суров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида 2 кун олдин келиб тушган булса, ушбу суровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига доир тушинтиришлар уларнинг мазмун мохиятини узгартирмаслиги керак.

6.3 Таклифлар куриб чикиб ва бахолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади хамда ундан олинган кучирма у имзоланган кундан эътиборан 3 иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон килинади.

6.4 Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни куриб чикиш ва бахолаш баённомаси эълон килингандан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни такдим этиш тугрисида суров юборишга хакли. Давлат буюртмачиси бундай суров келиб тушган санадан эътиборан 3 кун ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни такдим этиши шарт.

6.5 Танлов натижалари буйича шартнома танлов хужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда курсатилган шартлар асосида тузилади.

| № | Товар номи (хизмат) | Товар (хизмат)лар коди ва номи | Улчов бирлиги | Микдори |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 3 ва 5 литрлик, огиз кисмининг диаметри 100 мм.лик банка | 44299990-00014 - банка | дона | 1000<br>1000 |
| 2 | 100 ва 150 литрлик аквариумлар | 44299990-00014 - аквариум | дона | 50<br>50 |
| 3 | Диаметри 32 мм 25 мм, максимал суриш чукурлиги 8 м. кувввати 1500 W, максимал босим 66 м.ли сув насослари | 44299990-00014 – сув насос | дона | 2 |
| 4 | Led., кувввати суткасига 250-300 литр, сув сизиши вактида автомат учириш, картридж алмаштириш вактида овоз сигнал хабар берадиган сув фильтрлари | 44299990-00014 – сув фильтр | дона | 9 |
| 5 | Баландлиги 2 м, узунлиги 1.8 м, эни 45 см.ли шкафлар | 44299990-00014 – шкаф | дона | 10 |
| 6 | Баландлиги 1 м, диаметри 3.5 метрли сув хавза (бассейн)лари | 44299990-00014 –сув хавзаси | дона | 40 |
| 7 | 230 V-50 Hz-16 W, сув сигими | 44299990-00014 – иситиш | дона | 2 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | 22 литр, максимал температура 95 С, мак.босим 4 bar булган иситиш козонлари (котёл) | козони (котёл) | | |
| 8 | 525x1295x555 mm. улчамдаги музлатгичлар | 44299990-00014 – музлатгич | дона | 3 |
| 9 | 16 атмосферага чидамли, 20x25x32 улчамдаги пластмасса кувурлар | 44299990-00014 – пластмасса кувурлар | метр | 1000 |
| 10 | Секция хажми 500x80 мм., ишлаш босими 24 bar, номинал иссиклик окими 200 w алюминли радиаторлар | 44299990-00014 – алюминли радиатор | дона | 10 |
| 11 | 16x2.0 200 m улчамли, PEX-AL-PEX иссик пол шлангаси | 44299990-00014 – иссик пол шлангаси | дона | 6 |

«Табобат жавохири ОАС» МЧЖ
бош бухгалтери З.Мавланова

«Табобат жавохири ОАС» МЧЖ
иш юритувчиси Э.Абдуллаев

«Табобат жавохири ОАС» МЧЖ
ишчиси Ш.Муродова

«Табобат жавохири ОАС» МЧЖ
ишчиси Н.Саидова